

## ИНТЕГРАЦИЯ - ЎҚУВЧИЛАРДА КОМПЕТЕНСИЯЛАРНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ АСОСИ СИФАТИДА

*Абдуфатаев Шержаҳон Абдуазимович*

*Гулистон давлат педагогика институти ўқитувчиси, Гулистон ш.,  
Ўзбекистон*

*e-mail: [abdufatayevsher94@mail.ru](mailto:abdufatayevsher94@mail.ru)*

*Аннотация:* Ушбу мақолада таълим сифатини янги босқичга кўтариш ўқувчиларни замон талаби даражасида билим, кўникма, малака ҳамда компетенцияга ега бўлиши, ўқувчиларнинг фан доирасида таянч компетенцияларини ривожлантиришида замонавий ёндошувларни ўрни асосланган. Таянч компетенцияларни ривожлантиришида интегратив ёндошувнинг аҳамияти ёритиб берилган.

*Калит сўзлар:* Компетенция, интеграция, коммуникация, технология, электрон таълим, билим, кўникма, малака, қобилият, самарадорлик, мослашувчанлик, ютуқлилик, муваффақиятлилик, тушунувчанлик, “натижалилик, ўқувлилик, хосса, хусусият, сифат, миқдор.

Республикамызда таълим соҳасини замонавий ривожланиш тенденцияларига мослаштириш, инновацион ўқитиш технологияларини ривожлантириш бўйича катта тажриба тўпланди. Таълим жараёнига замонавий ахборот-коммуникация технологиялари, хорижий тажрибалар татбиқ қилинмоқда. Умумий ўрта таълим фанларини ўқитишнинг узлуксизлиги ва изчиллигини таъминлаш, замонавий методологиясини яратиш, умумтаълим фанлари бўйича давлат таълим стандартларини компетенциявий ёндашув асосида такомиллаштириш, ўқув-методик мажмуаларнинг янги авлодини ишлаб чиқиш ва амалиётга жорий қилиш мақсадида 2017 йил 6 апрелда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Умумий ўрта, ўрта махсус, касб-хунар таълимининг давлат таълим стандартларини тасдиқлаш тўғрисида”ги 187-сонли қарори қабул қилинди. Бу қарор таълим-тарбия жараёнини янада ривожлантиришда муҳим омил бўлди. Технология фани дарсларини компетенциявий ёндашув асосида ташкил қилиш ва ўқувчиларнинг эгаллаган билимларини амалиётда фойдалана олиш малакалари шаклланишига олиб келади. Таълим жараёнини самарали ташкил қилиш учун **педагогик ва ахборот технологияларидан узвий, интегратив асосда фойдаланиш** бугунги кун талабидир. Бунинг замонавий ривожланган жамиятга илмли, маънавиятли, барқарор ривожланиш талабларига жавоб берадиган, республикамыз келажаги учун қайғурадиган интеллектуал етук авлодни тарбиялаш зарур.

Таълим тизимидаги бугунги ижтимоий талаблар ахборотлаштириш

жараёнларини ривожлантиришни тақозо қилмоқда. Мактаб таълимини замонавий ривожланиш талабларига мослаштириш фанлардан **электрон таълим ресурсларини такомиллаштириш, ўқувчиларнинг электрон манбалар билан фаол мулоқотини таъминлаш**, мустақил таълимни амалга ошириш ва ўз-ўзини баҳолаш, зарурий маълумотни тезкор излаб топиш ва юзага келаётган муаммоларни ҳал қилишда ундан фойдаланиш кўникмаларини шакллантиришни назарда тутди. Шу нуқтаи назардан, таълим сифати кўрсаткичларидан бири компетентлик ҳисобланади. Инглизча “*competence*” тушунчаси луғавий жиҳатдан бевосита “қобилият” маъносини ифодалайди. Моҳиятан эса фаолиятда назарий билимлардан самарали фойдаланиш, юқори даражадаги касбий малака, маҳорат ва иқтидорни намоён қила олишни англатади.

Ўқувчи шахсини ривожлантиришга йўналтирилган таълим жараёнида унинг ақлий-интеллектуал, ижодий хусусиятлари намоён бўлади. Бугунги кунда амалга оширилаётган таълимий ислохотларнинг самараси биринчи навбатда ўз ишига ижодий ёндашувчи, фан, техника, санъат, ишлаб чиқаришнинг жадал ривожланишига ўз ҳиссасини қўшадиган юксак малакали кадрлар тайёрлашга боғлиқ. Шунга кўра, жамият тараққиёти талабларидан келиб чиққан ҳолда ҳар бир ўқувчида таянч ва фанга оид хусусий компетенцияларини ривожлантириш муҳим ва зарурдир. Интегротив ёндошув умумий ўрта таълимни модернизациялаш нуқтайи назаридан янги педагогик воқелик ҳисобланади. Мазкур ёндашув доирасида амалий фаолият тажрибаси, компетенция ва компетентликни дидактик бирликлар сифатида кўриб чиқиш ҳамда таълимнинг анъанавий уч элементи (триада) – “Билим – Кўникма – Малака олтига бирлик(секстет) – “Билим – Кўникма – Малака – Амалий фаолият тажрибаси – Компетенция – Компетентлик” тарзида таҳлил қилиш талаб этилади.

Замонавий дидактика ва методикада таъкидланишича, ўқувчиларни ўқитиш, уларни етук ривожланиши ва тарбиясининг муваффақиятлари уларнинг дунёнинг бирлиги ҳақида тушунчанинг шаклланганлиги, ўз фаолиятларини умумий қонунлари асосида йўлга солиш, таълим муассасалари моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, таълим муассасаларини юқори малакали мутахассислар билан таъминлаш борасида амалга оширилаётган кенг қамровли ислохотлар технология фанини ўқитиш жараёнига халқаро тажрибаларни самарали татбиқ этиш, ўқувчиларнинг интеллектуал қобилиятини ривожлантиришда интегротив таълим технологияларидан фойдаланиш даражасини оширди. Ўзбекистон Республикаси халқ таълими тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясида «ўқитиш методикасини такомиллаштириш, таълим-тарбия

жараёнига индивидуаллаштириш тамойилларини боскичма-боскич татбиқ этиш, халқ таълими соҳасига замонавий ахборот-коммуникация технологиялари ва инновацион лойиҳаларни жорий этиш»<sup>1</sup> вазифалари белгиланган. Бу борада ўқувчиларда таянч ва фанга доир компетенцияларни ривожлантиришнинг таркибий асосларини аниқлаштириш, интегратив ёндашувга асосланган технология фанини ўқитишнинг «компьютерли таълим методи»ни таълим амалиётига жорий этиш механизмини такомиллаштириш, хусусий компетенцияларни шакллантиришнинг методик тизимини ишлаб чиқиш таълим сифати ва самарадорлигини оширишда муҳим аҳамият касб этади.

Таълимдаги интеграция ўқув фанлари мазмунини конструкциялашга тизимли ёндашиш орқали кўриб чиқилади. Ўқув фанларини интеграциялашнинг дидактик моҳияти турли ўқув фанлари бўйича янги билимларни шакллантиришнинг концептуал тузилма ва методларини аниқлаш имконини берувчи педагогик тадбирлар тартиби ҳамда қонуниятларини ишлаб чиқиш зарурати билан белгиланади. Тор маънода қаралганда, ўқув фанлари интеграцияси фан соҳалари ва илмий билимлар ўзаро синтезининг узвий давоми ҳисобланади.

Шу маънода **интеграция** – фанларнинг дифференциацияси туфайли тарихан таркиб топган ўқув фанларига бўлиб ўқитиш тизимининг камчиликларини тузатишга қаратилган уларнинг ўзаро боғлиқлигини таъминлаш шакли сифатида қаралиши мумкин.

Илмий таҳлил ва кузатишлар шуни кўрсатадики, ўқувчиларнинг таянч ва фанга доир хусусий компетенцияларини ривожлантириш соҳасида назарий ва амалий аҳамиятга эга айрим ёндашувлар илгари сурилган булсада, технология фанини ўқитишда электрон таълим ресурслардан фойдаланган ҳолда интегратив ёндашув асосида ўқувчиларнинг таянч ва фанга доир хусусий комп

“Competence” сўзи “to compete” сўзидан келиб чиққан бўлиб, “мусобақалашмоқ”, “рақобатлашмоқ”, “беллашмоқ” деган маънони билдиради. Сўзма-сўз таржима қилинса, “мусобақалашмоқга лаёқатлилик” деган маънони ифода қилади. Илмий педагогик, психологик манбаларда келтирилишича, компетенция, компетентлик ўта мураккаб, кўп қисмли, кўпгина фанлар учун муштарак бўлган тушунчалардир. Шу боисдан унинг талқинлари ҳам ҳажми, ҳам таркибига кўра, ҳам маъноси, ҳам мантиқий

---

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 29 апрелдаги «Ўзбекистон Республикаси халқ таълими тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида»ги ПФ-5712-сонли Фармони. // Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси. 06/19/5712/3034-сон, 29.04.2019 й.

мазмуни жиҳатидан турли-тумандир. Атаманинг моҳияти, шунингдек, “самарадорлик”, “мослашувчанлик”, “ютуклилиқ”, “муваффақиятлиқ”, “тушунувчанлик”, “натижалиқ”, “уқувлилиқ”, “хосса”, “хусусият”, “сифат”, “микдор” каби тушунчалар асосида ҳам тавсифланмоқда. “Компетентлик”, “компетенция” тушунчаларининг тавсифларида қуйидаги ҳолатларга алоҳида эътибор қаратилади: билимлар мажмуининг амалда қўлланиши; шахснинг уқуви, хислатлари, фазилатлари; амалий фаолиятга тайёрлик даражаси; муаммоларни ҳал қилиш, амалда зарур натижаларни қўлга киритиш лаёқати; шахснинг касбий фаолиятини таъминловчи билим, кўникма, малакалар яхлитлиги; фаоллашган (амалиётга татбиқ қилинган) уқув, билим, тажрибалар мажмуи; шахснинг мақсадга йўналтирилган эмоционал ирода кучи.

Жаҳон таълим амалиётида “компетентлик” тушунчаси ўзида таълимнинг интеллектуал ва малакавий таркибини бирлаштириш, таълим мазмунини интерпретациялаш ғоясини қамраб олиш билан бирга маданият ва фаолият соҳаларидаги кенг қамровли (ахборот, ҳуқуқий ва ҳ.к.) қатор кўникма ва малакаларни интеграциялаш табиатига эга

Компетенция - фан бўйича эгалланган назарий билим, амалий кўникма ва малакаларни кундалиқ ҳаётида дуч келадиган амалий ва назарий масалаларни ечишда фойдаланиб, амалиётда қўллай олишдир.

Компетенцияларни таркиб топтиришга йўналтирилган таълим - ўқувчиларнинг эгаллаган билим, кўникма ва малакаларини ўз шахсий, касбий ва ижтимоий фаолиятида амалий қўллай олиш компетенцияларини шакллантиришга йўналтирилган таълимдир

Шундай қилиб, замонавий таълим амалиётида компетенциявий ёндашув юзага келди.

Компетенциявий ёндашувга асосланган технология фанинг асосий моҳияти фан доирасида ташкил этилган ўқув-тарбия жараёнида ўқувчилар томонидан эгалланган билим, кўникма ва малакаларни ўз шахсий ҳаёти давомида, шунингдек, касбий ва ижтимоий фаолиятда қўллай олиш компетенцияларини шакллантиришга йўналтириш саналади

Н. Ф.Радионова ва А.П.Тряпицынанинг фикрича, компетенциявий ёндашувда ўқитиш мақсадлари ўқувчилар томонидан ўз-ўзини англаш, таълим-тарбия жараёнида ўқув мақсадларига эришиш йўллари тушуниш, ўқувчиларнинг ўқув-билиш фаоллигини ошириш, ўқувчиларнинг шахс сифатида ўз-ўзини ривожлантириш орқали жамият ва мустақил ҳаётга мослашуви, ижтимоийлашуви каби устувор йўналишларни мўлжаллашни назарда тутиш зарур.

Компетенция шакллантириш усуллари ва шахс ҳаётидаги аҳамиятига

кўра даражаларга ажратилади.

Компетенциялар ўз аҳамиятига кўра фарқланади:

1. Таянч компетенциялар- таълимнинг умумий мазмунига алоқадор компетенциялар.
2. Умумпредметли компетенциялар - ўқув фанлари ва таълим соҳасининг маълум соҳасига алоқадор компетенциялар.
3. Фанга оид компетенциялар аниқ тавсифга ва ўқув фани доирасида шакллантириш имкониятига эга ва юқоридаги икки компетенция даражасига алоҳида муносабатни ифодалайди

Шунингдек, Н.З.Смирнова, О.В.Бережная ўқувчиларда шакллантириладиган компетенциялар уч даражага ажратилишини таъкидлайди (1.1-расм)



Маълумки, умумий ўрта таълим тизими мактаблари зиммасига таълим-тарбия жараёни орқали ўқувчиларда таянч компетенциялар, жумладан, коммуникатив, ахборот билан ишлай олиш, шахс сифатида ўз-ўзини ривожлантириш, ижтимоий фаол фуқаролик компетенцияси, умуммаданий компетенциялар, математик саводхонлик, фан ва техника янгиликларидан хабардор бўлиш ҳамда фойдаланиш компетенцияларини шакллантириш вазифаси юклатилган [2; 5-б.]. Ўқувчилар келгуси ҳаётий фаолияти давомида шахсий, ижтимоий, иқтисодий ва касбий муносабатларга киришиши, жамиятда ўз ўрнини эгаллаши, мазкур жараёнда дуч келадиган муаммоларни ҳал қилиши, энг муҳими ўз соҳаси, касби бўйича рақобатбардош бўлиши учун зарур бўлган таянч компетенцияларни эгаллаган бўлиши лозим.

Ўқувчи шахсининг умумий ривожланиши учун замин тайёрлайдиган компетенциялар таянч компетенция фақат битта ўқув фани (масалан, технология ўқув фани) доирасида шакллантириладиган компетенциялар

хусусий компетенциялар дейилади.

Бизнингча, ўқувчининг технология фанига оид компетенцияси -шу фан бўйича эгаллаган билим, кўникма ва малакаларини кундалик ҳаётида дуч келадиган амалий ва назарий масалаларни ечишда фойдаланиш ва амалиётда қўллай олиш қобилиятидир.

Технология фани дарси жараёнида инновацион технологиялар, жумладан, ўқувчи шахсига йўналтирилган технологиялардан фойдаланиш ўқувчиларнинг шахс сифатида ўз-ўзини ривожлантириш компетенциясини шакллантириш имконини беради. Технология фани дарси жараёнида инновацион технологиялар, жумладан, ўқувчи шахсига йўналтирилган технологиялардан фойдаланиш ўқувчиларнинг шахс сифатида ўз-ўзини ривожлантириш компетенциясини шакллантириш имконини беради.

### **Фойдаланилган адабиётлар**

1. Хасанова Ш.Б. Электрон таълим ресурслари тайёрлаш ва ундан фойдаланиш тажрибалари // Узлуксиз таълим. -Тошкент. 2017, №5. - Б. 4651.
2. Фомичева А. К. Урюпина Л.С. Формирование базовых предметных компетенций обучающихся. Методическая разработка. -Москва. 2012.
3. Тўраев Б.З. Информатика ва ахборот технологиялари соҳаси педагогларининг умумқасбий фанлар интеграциясида касбий компетентлигини шакллантириш. Пед. фанл. бўй. фалс. докт. (PhD). дисс. автореф.-Тошкент. ЎзМУ, 2018. -Б. 27.
4. Турдиев Н.Ш., Асадов Ю.М., Акбарова С.Н., Темиров Д.Ш. Умумий ўрта таълим тизимида ўқувчиларнинг компетенцияларини шакллантиришга йўналтирилган таълим технологиялари.-Т.: Т.Н.Қори Ниёзий номидаги Ўзбекистон педагогика фанлари илмий-тадқиқот институти, 2015.- Б.160.
5. Тайлаков У.Н. Технологии образования электронной информационной образовательной среды. Монография.-Т.: Узбекский научно-исследовательский институт педагогических наук, 2016. - С.152.